

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ
ВА СПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ

«ИНФОРМАТИКА ВА АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ» кафедраси

**СПОРТДА МАТЕМАТИК ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИ
ВА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ДОЛЗАРБ
МАСАЛАЛАРИ**

Иқтидорли талабалар
илмий-амалий анжуман
материаллари

ТЎПЛАМИ

2018 йил 15 февраль

5	Иноятлов Б.Б	Планирование учебно-тренировочного процесса по физической подготовке курсантов и слушателей Академии МВД Республики Узбекистан специализирующихся по самбо	201
6	Шайимарданов Ш.А Шайимарданов Ш.А	Спорт талантини эрта аниқлашнинг замонавий назарияси ва услубиятининг долзарб муаммолари	204
7	Расулов Қ. Шайимарданов Ш.А	Спорт сараловида соматик ривожланишни аниқлаш услубияти	206
8	Абдурахимова О.О Шарофиддинов Н	Ўргатиш давомида келажаги бор футболчиларни танлаб олиш	210
9	Абдурахимова О.О Рахмонбердиев Б	Ёш футболчиларни танлаш ва машғулотларни ташкил этиш методикаси.	213
10	Yuldasheva J.M Chuliev S.I	Tezkorlikni rivojlantirish metodikasi	217
11	Yuldasheva J.M Chuliev S.I	Kuch va uni rivojlantirish	219
12	Туропова Н.Р Ибрагимова С.Б	Кейс-стади таълим технологияси асосида ўқувчиларни педагогик маҳоратини шакллантириш мазмуни	222
13	Анормухаммедова Д Ибрагимова С.Б	Kuch va uni rivojdantirishda zamonaviy pedagogic texnologiyadan foydalanish	225
14	Ahmadxo'jaeva A.M	Ta'lim-tarbiya jarayonida milliy xalq o'yinlari vositasida sog'lom turmush tarzini shakllantirish	228
15	Ahmadxo'jaeva A.M Abdullaev B	Pedagogik innovatsiya mezonlari haqida	232
16	Казоқов Р.Т	Касбий малакавий тузилмада ишчи кадрларнинг ўзгариши. Ишчилар ихтисослигини таҳлил қилиш методикаси	234
17	Казоқов Р.Т	Кенг тармоқли ва юқори малакали ишчилар ҳақида тушунча	238
18	Казоқов Р.Т	Ходимлар олий таълими	241

Ta'limdagi innovatsion jarayonlarning quyidagi tuzilmalarini ajratib ko'rsatish mumkin: subyektivlik, darajalilik, mazmunga egalik, boshqaruvchanlik, tashkillashtirilganlik va b.

Shuningdek, innovatsion jarayonlar quyidagi xususiyatlarga ega:

-jamoaviy munosabatlar hamda madaniyat bilan o'zaro aloqadorligi;

-innovatsion faoliyat subyekti va ob'ekting shaxsiy va guruhii sifatlariga sezilarli ta'siri;

-tajribalarni laboratoriya sharoitida emas, balki real maktab ta'lim jarayonida olib borish imkoniyatining mavjudligi;

-innovatsion jarayonlarini yaratishda "tayyorlov" bosqichining mavjud emasligi (u loyihalash bilan birikib ketadi);

-material va moliyaviy vositalarning kam sarflanishi;

-innovatsion faoliyatda subyektiv omil rolining oshishiga olib keladi [5].

Demak, ta'limda innovatsion jarayon – bu ta'lim konsepsiyasini, o'quv dasturlari mazmunini, metod va metodikalarni, o'qitish va tarbiyalash usul va uslublarini yangilash va o'zgartirish imkonini beradi.

Касбий малакавий тузилмада ишчи кадрларнинг ўзгариши.

Ишчилар ихтисослигини тахлил қилиш методикаси.

Казоков Р.Т., ЎзДЖТИ., Катта ўқитувчи.

Олий таълим соҳасида сифат кўп қиррали концепция ҳисобланади. У таълим соҳасидаги барча функция ва фаолият турлари – ўқув ва академик дастурлар, илмий тадқиқот ва стипендиялар, мутахассис ходимлар билан тўлиқ таъминланганлик, таълим олувчилар, бинолар, моддий-техника базаси ва жиҳозларни, жамият ва академик муҳит фаровонлиги йўлидаги барча ишларни қамраб олиши керак, - деган эди Президентимиз И.А.Каримов.

Таълим ва кадрларни касбий тайёрлаш таълим сифатининг асосий якуний сифатидир, бу қуйидагиларни ўз ичига олади:

- инсонлар: профессор-ўқитувчилар таркиби, таълим олувчилар, ўқув-ёрдамчи фаолият ходимлари, маъмурий ходимлар ва бошқалар;
- технологиялар: педагогик, тарбиявий, информациявий, бошқарув, назорат қилувчи ва бошқалар;
- моддий-техникавий таъминот: бинолар, жиҳозлар, лаборатория ва амалиёт базаси ва б;
- меъёрий-ҳуқуқий ва ўқув-методик таъминот;
- рағбатлантиришлар ва асослар;
- ташқи таъсирлар: бозор иқтисодиёти талаблари, корхоналар, жамият ва давлат.

Таълим тизимининг юқорида келтирилган таркибий унсурлари, устунлик қилувчи омиллар мажмуини белгилайди, булар таълим ва ходимларни касбий тайёрлаш сифатига таъсир этади.

Илмий техника инқилоби даврида ишчи ходимларнинг меҳнат қилиш шароити ўзгаради, чунки ишлаб чиқариш жараёнида ишчи ходимнинг бажарадиган фаолияти, дунёқараши, ўрни ўзгаради. Ушбу ўзгаришлар яъни ишлаб чиқариш босқичларининг ривожланиши янги майлларнинг ўсишига олиб келади. Ишчи ходим ушбу ривожланишдан фойдаланган ҳолда янгича ишлашни хоҳлайди. Ходимлардаги ўзгаришларни кучайтиришда ишлаб чиқариш факторлари кучли таъсир этади. Бунинг асосида жисмоний меҳнат, яъни инсоннинг бажарувчи функцияси ётади.

Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнида инсон асосан 4 асосий функцияни бажаради:

1. Ишчи ходим ўз жисмоний ҳаракати билан айлантирувчи ва ҳаракатлантирувчи ҳаракатлар ҳосил қилиши учун меҳнат қуролларини ишлатиши;
2. Меҳнат қуролларини бошқариши ва уларга таъсир кўрсатиши;
3. Уларни тўғирлаши ва таъминлаши;
4. Уларни лойиҳалаштириши ва ишлаб чиқариш жараёнига тадбиқ қилиши.

Меҳнатни бошқаришда замонавий ишчи ходимга 1 ва 2 функциялардаги кўрсаткичлар аҳамиятли бўлиши билан бир қаторда меҳнатнинг мазмуни ва ижодийлигини оширишда 3-4 функциялар ҳам муҳимдир.

Тарихга назар солиб кўрсак, машинасозликда юқори малакали иш даражаси ошиб бормоқда. М: 30-йилларда чилангар таъмирловчи 9-10 та станокда ишлай олган, ҳозирда эса 25-30 станокда бемалол ишлай олади ва 100 дан ортиқ металл ва нометалл материаллар билан ишлайди. Бундан ташқари у пайвандлашни ҳам билиши керак.

90-йилларда техниканинг ривожланиши янги типдаги станок ишчи ходимларини юзага келтирди. Кенг профилли универсал ишчи ходимлар вужудга келди. Ҳозирда бу ишчи ходимлар 14 та ихтисосликларни эгаллаган. Бу ихтисосликлардан токарлик автоматларни соловчилар, ярим

автоматни, автоматлаштирилган станокларни созловчи ва бошқалар. Ишчи ходим созловчиларнинг бу гуруҳи электротехник билимга ҳам эга.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида ҳам юқори малакали ишчи ходим мутахассислар вужудга келмоқда. Маълумки, Ўзбекистон асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлашга асосланган аграр мамлакатлардан бири ҳисобланади. Мамлакатда яратиладиган ялпи ички маҳсулотнинг қарийиб $\frac{1}{3}$ қисми қишлоқ хўжалигига тўғри келади. Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти мамлакатга валюта тушумларини 55 фоизидан ортиғини таъминлайдиган муҳим экспорт манбаларидан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йиллари мобайнида республика қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида амалга оширилган ислохотлар ўзини ижобий натижасини бера бошлади. Умуман олганда, қишлоқ хўжалиги мустақил республикаимиз иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг замон талаблари даражасида ривожлантирилиши халқимизнинг фаровон турмуш тарзини ва истимқололимизнинг барқарор бўлишини кафолатлайди. Бунинг учун эса, соҳанинг замонавий ва ҳар жиҳатдан хорижий мутахассислар билан таъминлаш бирламчи ва муҳим аҳамият касб этади.

«Иқтисодий ва сиёсий соҳалардаги барча ислохотларимизнинг пировард мақсади — деган эди Президентимиз И.А.Каримов, юртимизда яшаётган барча фуқаролар учун муносиб ҳаёт шароитларини ташкил қилиб беришдан иборатдир. Айнан шунинг учун ҳам маънавий жиҳатдан мукамал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоямини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади».

«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълим хизматлари бозорининг стратегик мақсади сифатида, бозор муносабатларининг вужудга келиши шароитида самарали ишлашга қодир бўлган иқтисодчилар фаолиятининг барча даражалари ва соҳалари учун мутахассис кадрларни тайёрлаш ва бу билан Ўзбекистон иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланишининг бутун жараёнига сезиларли таъсир кўрсатиш масаласи белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Олий ўқув юртларида мутахассислар тайёрлаш ҳар йили 38-40 минг киши атрофида ўзгариб туради.

1990-2000 йилларда мутахассислар тайёрлашнинг йиллик ўсиши кузатилди, 2000 йилда бу кўрсаткич 41690 кишини ташкил қилади. Бугунги кунда олий маълумотли мутахассисларга бўлган қўшимча талаб аста-секин ўсиб бориб ва 2003 йилда 50 минг кишини, 2005 йилга келиб эса 55-60 минг кишини ташкил қилади.

Шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитини кўзда тутиб, мутахассисларни тайёрлаш соҳасидаги таркибий силжишлар сақланиб қолинади. Бу «Иқтисодиёт ва бошқарув» ихтисослиги бўйича мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг янада ошишини келтириб чиқаради. 1999-2000 йилларда иқтисодий ва ҳуқуқий йўналишдаги олий таълим муассасаларига ўртача йиллик қабул қилиш 16,4 минг кишини ёки умумий қабулнинг 9,2%ни ташкил қилади ва 1990 йилдан буёнги даврда 1,3 марта